



Эркаклар уйда бўлмаса, масалан, узок сафарга кетган бўлса, аёл киши хўроз-товукларни сўйса бўладими?

ЖАВОБ: «Каъб ибн Молик розияллоҳу анхунинг Саль тогида кўйини бокадиган чўри кизи бор эди. Бир кўй оғир холга тушиб колди. Киз бориб уни тош билан сўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан сўралган эди, уни еяверинглар, дедилар» (Бухорий)

Демак, аёл киши хайвон сўйса хам бўлар экан. Тош билан сўйса хам бўлар экан. Аммо

сўювчи мусулмон ёки китобий бўлиши шарт. Агар у аёл киши, мажнун, аклини таниган ёш бола, хатна килинмаган ва соков бўлса хам. Аммо ахли китоб бўлмаган, муртад ва «бисмиллах»ни касдан тарк килувчи сўйса, халол бўлмайди.

Сўйилган хайвоннинг халол бўлиши учун «Бисмиллах» айтилишидан кейинги иккинчи шарт сўювчига кўйилган. «Сўювчининг мусулмон ёки китобий бўлиши шарт»лиги хакида хам кискача гапириб ўтайлик.

Сўювчининг мусулмон бўлиши ва сўйиш пайтида «Бисмиллах»ни айтиши шартлиги хаммага маълум. Ахли китобнинг сўйгани халол бўлиши Мойда сурасидаги: «Бугунги кунда сизларга пок нарсалар халол килинди. Китоб берилгандарнинг таоми сиз учун халолдир. Сизнинг таомингиз улар учун халолдир» ояти каримасига биноандир.

Булардан бошқаларнинг, жумладан, муртад ва динсизларнинг сўйиши эса харомдир. Ахли китобнинг аёллари сўйган нарса хам, худди муслима аёллар сўйган нарса каби халолдир. Шунингдек, балогатга етмаган болаларники хам.

Исломда аёл кишини ўзига хос бўлмаган ишга таклиф килиш яхши иш хисобланмайди.

Одатда хайвонларни сўйиш иши хам аёлларнинг латофатларига зид иш хисобланганидан улар эҳтиром юзасидан сўйиш ишларига таклиф килинмаган.

Аммо аёл кишининг сўйган сўйиши, агар аёл хайз кўрган холда бўлса хам, жоиз. Эркак кишининг сўювчи бўлиши мустахаб, холос. Чунки у аёл кишидан кўра сўйиш ишларига муносиброк (Аллоҳ билувчидир).